

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1/22

« 4 » май 2022 йил

Тошкент шаҳри.

«ООО МУ ТАРИ» бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари Зулмашов А.М., Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва «ГИДРОИНГЕО институти» ДМ, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари К.Р. Мингбоев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган «Халқаро стандартлар асосида эксперт-аудиторларни тайёрлаш ўқув курси»ни ташкиллаштириш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса иш хажми буйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

Ўқув курси мавзулари:

- ISO/IEC 17025:2017 «Синов ва калибрлаш лабораториялари мувофиқлигига қўйиладиган умумий талаблар», «Хатарларни бошқариш» - тренинг ташкилотчиси, Туркия стандартлари институти (ЦЕ) - Анталияда 2 кун;

- "Ҳар бир мутахассис билиши керак бўлган тана тили сирлари" - ташкилотчи, Туркия стандартлар институти (ЦЕ) - Анталияда 1 кун.

- ИСО ИЕС 17025: 2017 халқаро стандартларига мувофиқ етти кунлик ўқув курси ISO IEC 17025:2017;

- ИСО 15189 ва тана тили

- Базавий таълим стандарти талаблари;

- Хатарларни бошқариш;

- Ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Ички аудит ўтказиш;

- Усулларни текшириш ва тасдиқлаш;

- Ноаниқлик ҳисоб-китоблари;

- Семинар иштирокчилари учун "Синов ва калибрлаш лабораторияларининг умумий талаблари ва ваколатлари" ISO IEC 17025:2017 стандарти талабларига мувофиқ бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий тадқиқот кўникмалари ва қоидаларини ташкил этиш

1.2 Ўқув курсини ташкил этувчи кўрсатадиган хизматлари;

- ISO IEC 17025:2017 халқаро стандарти бўйича "Синов ва калибрлаш лабораториялари компитентлигига қўйиладиган умумий талаблар" ва муомала маъданияти, шунингдек лабораторияда ўқув амалиёти бўйича етти кунлик ўқув курси, икки кишилик хонада турар жой, меҳмонхона концепциясига мувофиқ кунига 3 маротаба овқатланиш, Тошкент-Анқара-Анталия-Истанбул-Тошкентрейслари бўйича билетлар, авто трансферлари аэропорт-меҳмонхона-аэропорт, шунингдек, Истанбулнинг диққатга сазовор жойларига 2 кунлик саёҳат.

1.3 Ўқув курси тугагандан сўнг халқаро сертификат берилади.

1.4 Пудратчи миқознинг қвиши учун зарур бўлган барча туристик хизматлар тўпламини (бундан буён матнда "тур" деб юритилади) тўғри тайёрлаш ва тақдим этиш мажбуриятини олади. Тегишли турнинг аниқ шартлари ва шартлари ушбу шартномага илова қилинган иловада келтирилган.

1.5 Буюртмачи ўқув курси учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек ўқув курси ва саёҳат шартлари ва компания унга маълум қилган хулқ-атвор ва шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

1.6 Ўқув курснинг батафсил шартлари ва шароитлари миқоз томонидан ваучерда кўрсатилади, уни сотиб олгандан сўнг сайёҳ хизмат кўрсатиш ҳуқуқини олади.

2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий киймати

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий киймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси **31 240 000. 00 (ўттиз бир миллион икки юз қирқ минг) сўм 00 тийин, шу жумладан ҚҚС талаби билан.**

2.3 Бажариладиган ишнинг киймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади .

3. Тулов шартлари

3.1 Буюртмачи шартнома тўлиқ қийматининг 100%и миқдорда 5 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.3 «Буюртмачи» туловларни бажарилган иш (курсатилган хизмат, акт далалатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган холда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сунг 10 банк иш кунида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада кўрсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан ўунг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 Иш бажарувчи" қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

- "Буюртмачини"ни ўқув курси шартларида, бошланишидан камида 10 (ўн) кун олдин (хат, Телеграмма, факс ва бошқаларни юбориш орқали ёзма равишда хабардор қилиш);

- Ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган шахсларга белгиланган намунадаги сертификатларни бериш.

- Сертификатлар "буюртмачи" нинг қўлида фақат томонлар бажарилган ишлар акти ва ҳисоб-фактурани тўлдиргандан сўнг берилади.

5.2 «Буюртмачи» қўйидагиларни ўз зиммасига олади:

- Ўқув курси бошланишидан камида 5 (кун) олдин "иш бажарувчи"га номзодлар рўйхатини тақдим етиш.

- Ўқув курсига қабул қилиш фақат келишилган сумма 100% тўлангандан ва "пудратчи" га шартноманинг асл нусхасининг иккинчи нусхасини ва ташкилот томонидан тасдиқланган банк тўлов топшириқномасининг нусхасини тақдим етгандан сўнг амалга оширилади.

- Номзодларни белгиланган муддатларда юбориш ва уларнинг ўқув курси давомида доимий иштирок етишини таъминлаш.

- Ушбу шартноманинг 2-бандига мувофиқ тўловни белгиланган муддатда амалга оширинг.

- Тренинг да хотима, номзод бўлиши керак: шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ИД карта, ва бошқалар.)

6. Туристтик ҳуқуқлар:

Ўқув курсига тайёргарлик кўраётганда, уни бажариш пайтида, шу жумладан транзит пайтида, мижоз қўйидагиларга ҳақли:

- Вақтинчалик яшаш ва у ерда бўлиш мамлакатига (жойига) кириш қоидалари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлари, зиёратгоҳлари, табиий ёдгорликлари, тарихи, маданияти ва алоҳида муҳофаза қилинадиган туристик кўргазманинг бошқа объектлари, атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисида зарур ва ишончли маълумотлар;

- Вақтинчалик турар жой мамлакатига (жойига) кўрилатган чекланган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда яшаш эркинлиги, туристик ресурслардан эркин фойдаланиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда етказилган зарар ва моддий бўлмаган зарарнинг ўрнини қоплаш. Мамлакат (жой) ҳокимиятларига (маҳаллий давлат ҳокимияти органларига) вақтинча туриш ва юридик, тиббий ва бошқа шопилинч ёрдам олиш учун ёрдам кўрсатиш;

- Алоқа воситаларига тўсиқсиз кириш.

7. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан 1 ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йул қуйилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда мурасага келинмаганда Иқтисодий Суд орқали ҳал қилинади.

9. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

10. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома Газначилик бўлимида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

НОМИ _____

МАНЗИЛ: «MY TAIN» МЧЖ
Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Корасу-1 мавзаси, Гулсара кўчаси, 25-уй
Х/р: 2020 8000 4003 1320 2001
Х/р (Вал): 2020 8000 4003 1320 2001
ИНН: 200522950 ОКОНХ
АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек ф-ли
МФӨ: 030441100005 716 891 ОКЭД: 78 140
Б/К: _____

НОМИ _____
РАХБАР _____
(имзо) (ф.и.б.)

«Буюртмачи»

НОМИ: «ГИДРОИНГЕО институти» ДМ

МАНЗИЛ: Тошкент ш. мирзо улуғбек тум
Олимлар 64

Х/р: 20210000701033964001

ИНН: 200522950 ОКОНХ _____ МФӨ: 00827
Тел: 909830343

Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТ ХАЛК БАНКИ
ЯШНОБОД ФИЛИАЛИ
РАХБАР _____
(имзо) (ф.и.о.)

Юрист визаси: Мен «ГИДРОИНГЕО институти» ДМнинг юристи, ушбу шартнома лойиҳаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

« _____ » _____ 2022 йил / Эшроф / А.У. Ҳўраев